Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
8 июнь
ЧОРШАНБА

№ 45
(12.369)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

20 йил

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбари кўрсатиб берган бешта тамойил асосида кенг кўламда бошлаб юборилган туб ислоҳотлар самараси бугун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида ўзини кўз-кўз қилмоқда. Вилоятимизнинг қайси шаҳар ёки туманида бўлманг, улкан ўзгаришлар ва янгиланишларнинг устидан чиқасиз. Бўка тумани ҳам бундан мустасно эмас.

Бўка:

ТУПРОҒИДА ЗАР УНГАН ЗАМИН

1. Хирмони залворли, катта карвон туман

Пойтахтдан йўлга чиқиб, Пискент бурилишидан ўтсангиз, икки тарафда атиргуллар чаппар уриб гуллаб ётган кенг ва равон йўл кўтаринки руҳ, енгил кайфият бағишлайди. Қизғин меҳнат самараси кўриниб турган пахтазор ва ғаллазорлар ортда қолиб, Бўка тумани маркази бошланади.

Бўка – вилоятимизда ўзига хос ўринга эга туман. Тупроқдан том маънода зар ундирадиган бободеҳқонлари билан вилоятда донг таратган ҳудуд. Бўка вилоятнинг пахта ва ғалла хирмонига энг кўп ҳосил тўкадиган катта карвонли туманлардан бири.

Туман аҳолиси 111 минг кишидан зиёд бўлиб, бу ерда ўнга яқин миллат вакиллари аҳил-иноқликда яшаб, меҳнат қилишмоқда. Аҳолининг асосий қисми – 89 минг 400 нафари тумандаги 92 та қишлоқда истиқомат қилади.

Туманда 2657 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган, уларнинг 2486 таси нодавлат мулк шаклида фаолият кўрсатмоқда. Шундан 1428 таси кичик корхоналардир.

Бўка туманида еттита – маиший хизмат кўрсатиш, агроиқтисодиёт, агросаноат ва тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва сервис, ҳамда педагогика касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Уларни ҳар йили 15 та мутахассислик бўйича 1341 нафар ёшлар битириб чиқишади. Ўрта умумий таълим мактаблари 54 та бўлиб, 10 дан зиёдида рус, қирғиз, қозоқ ва тожик тилларида таълим берилади.

Туманда 750 кишини қабул қилиш қувватига эга 15 та қишлоқ врачлик пункти, 302 ўринли битта марказий шифохона, бир вақтнинг ўзида 795 кишига хизмат кўрсатувчи битта кўп тармоқли поликлиника, 2 та хусусий шифохона, 17 та хусусий дорихона ишлаб турибди.

Ҳудудда, шунингдек, 21 та саноат корхонаси, 30 та қурилиш ташкилоти, 10 та транспорт корхонаси ва битта алоқа корхонаси фаолият юритаяпти. Учта бозор, 9 та автомобилларга ёқилғи ва газ қуйиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатаётир.

Туманнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Хусусан, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, чакана савдо ҳажми 83 миллион 461 минг сўм бўлиб, ўсиш суръати 115 фоизни ташкил этди. Шу муддатда жами 73 миллион 548 минг сўмлик хизматлар кўрсатилиб, ўсиш суръати 107,3 фоизга етди.

СУРАТЛАРДА:
Бўканинг истиқболга интилаётган ёшлари.

МУНОСАБАТ

ТИЗИМ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ миллий таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар, тизимдаги барча янгилик ва ўзгаришлар келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам таълим, хусусан олий таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича ислоҳотларнинг янги йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобига таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган. Мазкур қарор, шунингдек, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган.

Қарор 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш дастурини ҳам тасдиқлади. Ушбу дастур олий таълим тизимига оид ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари ва талабаларнинг тураржойларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ўз ичига олган. Унга кўра, дастур ижросини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун махсус комиссияни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Зикр этилаётган ҳуқуқий ҳужжат асосида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идора ва хўжалик бирлашмалари билан келишилган ихтисослашувини ўзгартириш ва қайта ташкил этиш бўйича бир қатор таклифлари қабул қилинди. Жумладан, вилоятлардаги қатор институтларнинг йўналишлари ўзгартирилиб, қайта ташкил этилади.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳам кўрсатилган.

Президент қарорига мувофиқ олий таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, илғор халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш асосида олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларда ўқув жараёнининг ўқитувчи ва талабалар илмий ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий мажмуалар ва марказларни яратиш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур масалаларга ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётгани таълим тизими жаҳон андозалари даражасига кўтарилиб, келажак авлоднинг ҳар жиҳатдан мукаммал мутахассислар бўлиб етишишлари таъминланишига хизмат қилади.

Саид АСҚАРОВ.

СОҒЛОМЖОН – ПОЛВОНЖОН

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Оққўрғон туман бўлими "Соғломжон – полвонжон" спорт-соғломлаштириш тадбирини ўтказди.

Тадбирда фаол иштирок этган 6-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига спорт анжомлари совға қилинди.

Сардор ҲАСАНБОЕВ.

КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Оҳангарон туманидаги Тошкент – Ўш автомагистралининг 112-километрида республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўтказган махсус тактик машғулотларда "Оҳангаронцемент", "Оҳангарондон", "Оҳангароншифер" корхоналари, "Оҳангаронавтойўл" давлат ташкилотидан борган техника воситалари, айниқса, фаол қатнашди.

"Оҳангарондон"дан Ёқуб Мамасолиев, "Оҳангароншифер"дан Ўктам Тўлаганов, "Оҳангаронцемент"дан Абдуҳамид Бозоралиев ўз техникаларини моҳирлик билан бошқариб, қийин вазифаларни тўлиқ адо этдилар. Натижада 8 километрли автойўл қисқа муддатда сифатли қурилиб, ишга туширилди.

Шокир ХАЛИЛОВ.

"Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият" мавзусидаги ҳуқуқий саводхонлик ойлиги доирасида Янгийўл тумани ҳокимлигида тадбир ўтказилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси уюштирган тадбирда Тошкент давлат юридик институти, вилоят молия ва ғазначилик бошқармалари ҳамда туман бўлимлари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда эришилган ютуқлар таҳлил қилинди.

Ўқув-машғулотида юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун яратилган ҳуқуқий асослар муҳокама қилиниб, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш ҳақида келишиб олинди.

Одил ФАЙЗИЕВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янгийўл туман ва шаҳар кенгашларининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда депутатлик гуруҳи аъзолари, партия ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

ИККИ КЕНГАШДА БИР ТАДБИР

Пленумда шаҳар, туман партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг партия электорати манфаатларига оид ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирокини кучайтириш, халқ депутатлари туман кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг 2010 йил давомидаги фаолияти, Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг 2011 йилги бюджети масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ижроия қўмитаси раиси ва янги таркибдаги аъзолар сайланди.

Расул КУШЕРБОЕВ.

Вилоят ҳаёти

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

БИЛИМЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

1-умумий ўрта таълим мактабининг 5-синф ўқувчилари иштирокида "Мустақил юрт юлдузларимиз" адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган кеча иштирокчилари беш шарт бўйича беллашишди. М. Муҳиддинова, С.Исмоилова, С.Тўхтахўжаеванинг билими, берилаётган саволларга зукколик билан аниқ ва лўнда жавоби юқори баҳоланди.

Шохрух ҲАКИМОВ.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

ИСТЕЪДОД ҒУНЧАЛАРИ

Шаҳардаги 53-умумтаълим мактабида болажонлар байрами муносабати билан ЎзХДП шаҳар кенгаши "Истеъдод ғунчалари" кўрик-танловини уюштирди.

Шаҳардаги 41-, 52-, 53-, 54-, 55-, 56-, 57-мактаб жамоалари ўртасидаги баҳс-мунозара жуда қизиқарли кечди. Бу анъанавий кўрик-танловда ўқувчиларнинг билим ва маҳорати, топқирлик ва зукколиги, зеҳн-идроки синовдан ўтказилди.

Қизғин баҳслар якунида 52-мактаб вакиллари 1-ўринни, 55- ва 41-мактаб жамоалари эса 2- ва 3-ўринларни эгаллашди. 54-мактаб ўқувчиси Хушнудбек Ҳусанов энг билимдон ўқувчи деб топилди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга ЎзХДПнинг совғалари тақдим этилди.

Райҳон САЛАЕВА.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

ЎЗИ ЕТИШТИРАДИ, ЎЗИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИ

Эътироф этиш керакки, юртимизда фермерлик ҳаракати эндигина тетапоя қила бошлаган кезларда 3-5 гектар ер олганлар ҳам фермерлар қаторига кирганди. Бугун эса, аҳвол бутунлай ўзгача. Энди олди фермерларнинг ери 500 гектарга етиб қолди. Кўплаб уддабурон фермерлар ғалла, пахта, сабзавот етиштириш билан қаноатланиб қолмай, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик ва маҳсулотни қайта ишлаш тармоқларини йўлга қўйиб, хўжаликларини ҳар жиҳатдан кенгайтириб бораяптилар. Аслида ҳам замонавий фермер шундай бўлмоғи керак.

Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда Адлия вазирликлари, республика фермер хўжаликлари уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги Қибрай туманида фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, тармоқ ташкилотлари ходимлари, мамлакатнинг бир неча вилоятидаги ер эгалари иштирок этган бу муҳим тадбир "Чинобод Мирахмедов Шухрат" фермер хўжалигида ўтказилгани бежиз эмас. Фермер Шухрат Мирахмедов 2006 йилдан буён ўтган қисқа даврда ғалла, мева, сабзавот етиштириш, қорамолчилик ва сутни қайта ишлаш соҳаларига дадил қўл уриб, ўз хўжалигини бекиёс даражада кенгайтириб юборди.

– Сут етиштиришга йўналтирилган қорамолчиликка қўл уриб тўғри қилган эканмиз, – дейди фермер. – Шу баҳона билан ўзимиз етиштираётган сутни қайта ишлайдиган цехга ҳам эга бўлдик. Ҳозир сузма, қаймоқ, кефир, мева йогурти каби саккиз хил маҳсулотни бозорга чиқараяпмиз.

Бу хўжаликнинг бошқа фермерлар ибрат олса, ўрганса арзийдиган яна бир муҳим ютуғи бор. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари қишин-ёзин узлуксиз етиштирилади. Олти гектарли ойнаванд иссиқхонага кирган кишининг, ҳеч муболағасиз, оғзи очилиб қолади. Узун йўлакларнинг икки томонидаги маржон-маржон помидору бодринглар кўзни қамаштириб, ақлни шоширади.

– Йилига 100 тоннадан ошириб помидор олаяпмиз, – дейди Шухрат Мирахмедов. – Тўғри, меҳнати оғир. Аммо, даромади ҳаммасини ювиб кетади.

Семинар қатнашчилари фермер хўжалиги ҳудудини қадамма-қадам айланиб чиқишди. Иссиқхонани катта қизиқиш билан томоша қилишди. 150 бош сигир боқилаётган фермани, сутни қайта ишлаш цехини ҳавас билан кўздан кечиришди.

Олимлар ва амалиётчи мутахассислар бу ерда кўрганларини атрофлича шарҳлашдан ташқари, семинар иштирокчиларига мева ва сабзавотнинг районлаштирилган янги навлари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик билан шуғулланишнинг имкониятлари ва истиқболлари ҳақида сўзлаб беришди.

– Ўқув-семинар мен кутганимдан ҳам кўп нарса берди, – дейди яна бир қибрайлик фермер Йўлдош Мирзаев. – Кўп янгиликлардан хабардор бўлдим. Бошқа вилоятларда бирйўла бир нечта тармоқда иш олиб бориб, яхши самарага эришаётган фермерлар тажрибаларини ўргандим.

Семинар давомида иштирокчилар бир қатор масалаларни муҳокама қилиб, тажриба алмашдилар.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: ўқув-семинар иштирокчилари.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ЭНГ ҚУЛАЙИ – ЭЛЕКТРОН САВДО

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида янги жамиятнинг илк белгилари сифатида биржалар пайдо бўлганди. Ўтган 20 йил давомида улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, жаҳон биржа савдолари тизимига мувофиқлаштирилди. Айни кунларда ҳудудларда ҳам электрон савдо тизимига уланиш ва савдо майдонлари ташкил этиш жараёни кечмоқда.

Ғазалкент шаҳрида ташкил этилган марказда республика товар ва хом ашё биржасининг электрон савдо тизимига уланиб, хўжалик юритувчи субъектлар учун янги имконият яратилди, пул маблағлари айланмасини тартиббга солиш сари навбатдаги қадам қўйилди. "Infinity Brok service" МЧЖ қошида ташкил этилган 459-биржа савдо майдони тумандаги барча корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектлари учун бирлашган электрон тизим орқали товар ва хом ашё сотиб олиш имконини яратади.

– Бу янгиликнинг рўёбга чиқишида туман ҳокимлиги катта ёрдам берди, – дейди савдо майдони раҳбари Мамарасул Юсуфбеков. – Маданият саройидан икки хона ажратилиб, бирламчи электрон савдо тизимига уланиш учун зарур техник жиҳозлар ўрнатилди. Ўтган бир ой ичида биржа орқали фақат давлат буюртмалари бўйича боғча ва касалхоналар учун 28 миллион 142 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинди. Бунинг учун умумий ҳисобда 133 та шартнома тузилди. Савдоларда қатнашиб, маҳсулотини таклиф этиш истагини билдирган 13 тадбиркордан тендер ёрдамида 3 нафари танлаб олинди. "Матлубот инвест", "Искандар Фудс" ва "Давтаъминот" корхоналари ҳозир туман касалхона ва боғчалари учун асосий маҳсулот етказиб берувчи сифатида биржа савдоларида иштирок этмоқда. Бўстонлиқ савдо майдони вилоятдаги энг яхши майдон деб топилди. Бу эътироф майдон раҳбарияти ва ходимларига янада катта масъулият юклаб, савдолар ҳажмини ошириш учун туртки бўлиши шубҳасиз.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.



КЕЛАЖАК ОВОЗИ

Вилоят маънавият ва маърифат маркази ҳар доимгидан-да гавжум. Куй-қўшиқлар садоси олисларга таралмоқда. Ажойиб безак берилган миллий либослардаги қизлар шўх-шўх рақсга тушишяпти. Бугун иқтидор эгаларининг ижод маҳсули муносиб баҳоланади.

ҒОЛИБГА ГРАНТ ВА СТИПЕНДИЯ

Мамлакатимиз ёшларининг истеъдодларини намоён этишга хизмат қилувчи лойиҳалардан бири – "Келажак овози" танловининг вилоят босқичи қизиқарли кечди. Унда танловнинг биринчи саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 700 ўғил-қиз иштирок этди. Улар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби йўналишларда маҳоратларини намойиш этишди.

Салкам ўн йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Келажак овози" лойиҳасида бу йил вилоятимиздан 5 минг 700 дан зиёд ёшлар қатнашиш истагида ариза топширди. 15 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар орасидан энг иқтидорлилари туман ғолиби бўлиб, вилоят босқичида қатнашиш бахтига муяссар бўлишди.

– "Ниҳол", "Истеъдодли ёшлар" каби кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганман, – дейди ўртачирчиқлик Шоҳсанам Султонова. – Шундай бўлсада, бу танловга узоқ тайёргарлик кўрдим, негаки, изланган, ўз устида тинимсиз ишлаган кишигина ғалабага эришиши мумкин. Устозларим раҳбарлигида тайёрлаган рақсим билан "Келажак овози"да қатнашяпман.

Иштирокчиларнинг чиқишларини таниқли жамоат, маданият ва санъат ходимлари, Ўзбекистон халқ артистлари ҳамда халқ рассомларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари кузатиб боришди.

Якуний натижаларга кўра, адабиёт ва публицистиканинг назм йўналиши бўйича Садоқат Рўзиева, либослар дизайнида Камолиддин Тожибоев, архитектура дизайнида Шуҳрат Мираҳмедов «Энг яхши иштирокчи» дея эътироф этилди.

Ҳасан Ўринқулов рационализаторлик ва таклифлар борасида юқори натижага эришган бўлса, рақс йўналишида Клара Махсудженовага тенг келадигани топилмади.

Тасвирий, амалий санъат, веб-ишланмалар, техник ишланмалар каби кўплаб номинацияларда бўйича ҳам энг иқтидорлилар аниқланди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, улар олий ўқув юртида таълим олишлари учун шартнома пули қопланадиган таълим гранти ва махсус "Келажак овози" стипендиясини қўлга киритишди.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Келажак овози» тадбиридан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЁНИЛҒИ БУҒЛАНСА БАРАКА УЧАДИ

Мустақиллик шарофати билан давлат ва жамият ҳаётининг бозор иқтисодиёти тамойиллари кириб бормаган бирорта соҳаси қолмади десак, муболаға бўлмас. Ҳозир ҳамма соҳаларда бозор муносабатлари у ёки бу даражада амал қилаяпти.

Сир эмаски, бозор муносабатларининг асосий тамойили имкони борича кам меҳнат ва хом ашё сарфлаб, кўпроқ даромад олишдир. Бошқача айтганда, ҳар жиҳатдан тежамкорлик билан иш юритишга қатъий амал қилишга одатланиш зарур.

Мустақилликда кечган йигирма йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳақиқий қишлоқ мулкдорларига айланган фермерлар эндиликда кимёвий ўғит ва дориларни, ёнилғи мойлаш ашёларини тежаб-тергаб, меъёрида сарфлашга, қишлоқ хўжалик техникасини ҳудабеҳуда ишлатавермай, авайлаб фойдаланишга, ҳатто, оқар сувни ҳам тежашга ҳаракат қилишаяпти.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида механизациялашган ишлар жадал кўпайиб бораяпти. Бу табиий жараён ўз-ўзидан ёнилғи-мойлаш ашёларининг лоақал бир фоизи тежаб қолинса, республика миқёсида қанча иқтисодий самарага эришиш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ("Ўздавнефтгазинспекция")нинг вилоят бўлими Қуйичирчиқ туманида ёнилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш, технологик жиҳатдан тўғри ишлатиш масалаларига бағишлаб ўтказган ўқув-семинарда шу ҳақда гап борди. Семинарда "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими ходимлари, туман фермер хўжаликлари раҳбарлари, уларга ёнилғи тарқатувчи шохобчалар операторлари иштирок этди.

Ўқув-машғулотида таъкидланганидек, ёнилғи ресурсларини тежашнинг энг самарали йўли улардан оқилона фойдаланиш ҳамда муқобил ёнилғи турларини жорий этишдир. Бироқ, фермер хўжаликлари ва саноат корхоналаридаги бугунги аҳволга назар солсак, жойларда ёнилғи-мойлаш ашёларини тежаш, техникаларни тўғри ишлатиш механизатор ва бошқа алоқадор мутахассису ишчи-хизматчиларнинг малакасига боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Ёнилғи-мойлаш ашёларини ташиш, тўкиш ва сақлаш жараёнларида техник талабларга қатъий риоя қилинмас экан, тежамкорлик ҳақида гапириш ортиқча.

Маълумки, ёнилғи буғланиш хусусиятига эга. Буғланиш миқдори эса, ёнилғи қандай идишда ва тўла ёки ярим ҳолда сақланаётгани, ҳатто, идиш қайси рангга бўялганига ҳам боғлиқ бўлади.

– Масалан бензин идишда тўла ёки ярим ҳолда сақланаётганига қараб, бир йилда 70 килограммдан 140 килограммгача йўқотилади, – дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг "Ресурстежамкор техника ва технологиялар" илмий-муаммоли лабораториясси директори Ш. Имомов. – Демак, бир идишдаги ёнилғини охиригача тугатиб, сўнг иккинчи идишдагини ишлатишга ўтган маъқул.

Идишдаги ёнилғининг буғланиш миқдори идишнинг турган жойида қай даражада исиши (қизиб кетиши)га, бу эса унинг қайси рангга бўялганига боғлиқ. Мутахассисларнинг айтишича, бир йил давомида қора рангли идишдаги бензиннинг 1,24 фоизи, қизил ранглисида 1,14 фоизи, кулранг идишда 1,03 фоизи, темир ранглидагисида 0,83 фоизи учиб кетади.

Далаларда тракторларга ёнилғи қуйиш пайтида уқувсизлик ва айниқса, эътиборсизлик, ҳафсаласизлик оқибатида ёнилғининг камида 10 фоизи исроф қилиниши аниқланган. Ёнилғи очиқ ҳолда, яъни челаклаб қуйилганда, анчагина қисми тўкилиб-сочилиб кетади. Шунингдек, двигатель, тезликни ўзгартириш қутиси ва орқа кўприкда мой сатҳининг меъёридан пасайиб кетиши ҳамда баллонларнинг пучлиги ҳам 10 фоиз ёнилғи ортиқча сарфланишига сабаб бўлади.

Культиватор лапкалари ўтмаслашиб кетса, плуг тракторга нотўғри уланса, бунинг устига лемехларнинг қирқувчи қирралари 5 мм.гача тўмтоқлашган бўлса, ёнилғи сарфи 40-50 фоиз ортади.

Хулоса шуки, далаларда ишлатилаётган техникалар ҳар жиҳатдан доимо соз бўлиши, механик-ҳайдовчиларга шунга қараб ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва аксинча, эътиборсизлик, лоқайдлик қилиб, ортиқча ёнилғи сарфлаётганларга қарши чора қўллаш лозим.

Ўқув-машғулотлари давомида раҳбар ва мутахассисларга фермерлардан кўп саволлар тушди. Масалан, "Туркистон" фермер хўжалиги раҳбари Д. Валиев қишлоқ хўжалик техникаси муқобил ёнилғи, айтайлик, табиий сиқилган газ (метан)да ишлашга ўтказилса, техниканинг қуввати ортиш ёки камайиши билан қизиқди. Маълум бўлишича, дизель ёнилғисининг қуввати кўпроқ бўлгани учун шунга мослашган техниканинг фойдали иш коэффициенти ҳам юқори экан.

– Двигателга аввал ишлатилган мой қуйилса, таъсири қандай бўлади? – деб сўради "Мажнунтол" фермер хўжалиги раҳбари Ш. Мавлонов.

– Ички ёнув двигателининг қайси тури бўлмасин, ишлатилган мой қуйилса, биринчидан, двигатель қисмлари тез ишдан чиқади. Иккинчидан, дизель ёнилғиси сарфи кўпайиб кетади, – деб жавоб берди Ш. Имомов.

Машғулотлар жараёнида турли-туман савол-жавоблар кўп бўлди. Демак, ўқув-машғулот кутилганидан ҳам самарали ўтди. Шундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, бундай ўқув-семинарларни тез-тез жойларга чиқиб ўтказиб туриш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Самад ЙЎЛДОШ.

ПИЛЛА – 2011

САВАТДАГИ «КУМУШ ТОЛА»

Вилоятимизнинг бу йилги пилла хирмони баракали бўлаяпти. Буни Қуйичирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туман пиллакорлари 2600 қути уруғни парвариш қилиб, давлатга 151 тонна хом ашё етказиб бериш юзасидан шартнома тузишган.

Вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмасининг хабарига кўра, туманда 244 фермер хўжалиги пилла етиштираяпти. Улар ҳар бир қутидан 58 килограммдан ҳосил топширишлари зарур. Ҳозиргача илғор фермерлар режани ортиғи билан бажариб, ҳар қутидан 60-62 килограммдан пилла топширишди.

Шартнома режасини "Абдумалик – Абдулатиф", "Найман – аграр", "Исоқов Хайрилло" фермер хўжаликлари биринчилардан бўлиб бажаришди.

– 4 қути ипак қуртини парваришлаб, 311 килограмм пила етиштирдик, – дейди "Абдумалик – Абдулатиф" фермер хўжалиги раҳбари Рихси Қурбонова. – Келгуси йилда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қиламиз.

Зулфия ҲУСАНОВА.

Бўка:

ТУПРОҒИДА ЗАР УНГАН ЗАМИН

2. Имкон излаганга минг имтиёз

20 йил

Маълумки, ҳар қандай демократик жамиятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит, қулай имконият ва имтиёзлар иқтисодиётни мустаҳкамлаш, бюджетга тушумларни кўпайтириш, алал-оқибат ишсизлик ва камбағаллик каби кўпгина ижтимоий муаммоларни бартараф этиб, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бўка туманида ҳам тадбиркорликнинг ривожига ҳавас қилса арзийди.

Тадбиркорларга яратилган шароитлар самараси ўлароқ, ўтган 2010 йилда 287 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари барпо этилди. Кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 28,2, қишлоқ хўжалигида 98, қурилишда 97,2 фоизга етгани ҳам айтишга арзигулик ютуқлардан.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган манзилли дастурга асосан "Ҳофиз Абдурасул" ва "Зарафшон Дил Темур" хусусий корхоналарида қолипли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги мини технология линияси, "Мусаева Муборак" корхонасида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналар ўрнатилиб, қўшимча 28 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу йилнинг 1-чорагида яна 166 та тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Ўтган ойлар давомида "Муштарийбону-Файз" қолипли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхона, "Турдибой Оловиддин" кўп тармоқли корхонаси автомобилларга суюлтирилган газ ёқилғиси қуйиш шахобчасини ишга тушириши натижасида 15 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Кейинги йилларда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашга устувор тус берилаётгани эришилаётган натижаларда яққол кўриниб турибди. Туманда меҳнатга лаёқатли 63 мингдан зиёд аҳолининг 47 минг 800 нафари мунтазам иш ўрнига эга. 2010 йилда 3818 та иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 3825 та янги иш ўринлари очилди. Бу йилнинг январь-март ойларида эса 762 та янги иш ўрни яратилди. Йил давомида маҳаллий инвестиция ҳисобига "Бўка Турон Инвест" МЧЖда ойна маҳсулотлари, "Бунёджон Ибратжон" корхонасида гўшт, "Сафар Бўка Бўстон" корхонасида олти хил турдаги макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, "Анис-парранда", "Лабзак Парранда" МЧЖларда эса парранда гўштидан турли маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган корхоналарни ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур янги лойиҳалар амалга ошса, қўшимча 160 та янги иш ўринлари очилади.

Яна бир гап. Янги корхоналарда яратилажак иш ўринларига асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини таклиф этиш режалаштирилган.

Юртбошимиз "Коллеж битирувчилари ўз билими, салоҳияти, иқтидорига муносиб меҳнат фаолияти билан банд бўлишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир" дея таъкидлагандилар маърузаларидан бирида.

Туманда бу ҳақиқатни яхши англаган ҳолда 2010-2011 ўқув йилида коллежларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлар ва ишлаб чиқаришда аниқ режа асосида ишга жойлаштириш юзасидан корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзоланди. Битирувчи босқич ўқувчилари амалиёт ўтаётган корхона ва ташкилотларда, айниқса, туман МТП, "Пахтатозалаш корхонаси" ОАЖ, "Йўловчи ташиш" МЧЖ ва бошқа йирик жамоаларда амалиётчилар учун ўқув хоналари ташкил этилган. Улар замонавий жиҳозланиб, ўқувчилар назарий билимларини амалиёт билан изчил боғлашлари учун етарли шароитлар яратилган. Бундан ташқари, Республика Президентининг "Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Микрокредитбанк"нинг туман филиали раҳбарлари ўтган ойда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан учрашув ўтказди. Ҳозир тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 56 битирувчига имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Тумандаги касб-ҳунар коллежлари умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини тўла қамраб олиш имкониятига эга. 2010-2011 ўқув йилида мактабларни 2413 нафар ўғил-қиз битирди. Уларнинг орзу-мақсадлари ўрганилганда, 61 нафари академик лицейларда таълимни давом эттиришга, 380 нафари таълим, 75 нафари тиббиёт, 251 нафари хизмат кўрсатиш, 615 нафари ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ, 576 нафари муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари, 455 нафари қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларига қизиқиши маълум бўлди. Туман ижтимоий-иқтисодий тармоқларининг охирги уч йил давомида ривожланиш дастури 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналарининг истаклари эътиборга олиниб, шунингдек, меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда коллежлардаги "Хўжалик ҳуқуқи", "Банк иши" "Солиқ ва солиққа тортиш" йўналишлари ёпилиб, "Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш", "Агрономия", "Зоотехника", "Ветеринария" каби янги йўналишлар ташкил этилди.

Кўриниб турибдики, туман ёшлари ўз келажагини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини аниқ тасаввур этиши учун коллежданоқ замин яратилади.

СУРАТЛАРДА: агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи тумандаги намунали ўқув даргоҳи; "Мингчинор боғи" МЧЖ раҳбари Даврон Сиддиқов нон ишлаб чиқариш цехи ишчилари билан маҳсулот сифатини муҳокама қилмоқда.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАДБИРКОР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида солиқ юкини мунтазам камайтириб, енгилликлар яратиш йўлидан борилмоқда.

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят давлат солиқ бошқармаси ва ҳудудий инспекцияларда ҳукуматимизнинг кичик бизнесни рағбатлантиришга қаратилган дастур ва режалари изчил амалга оширилмоқда.

Республика Давлат солиқ қўмитаси 2011 йилни "Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш" йили деб эълон қилиб, амалга оширилиши лозим чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Айни пайтда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш, солиқ идоралари ва солиқ тўловчиларнинг муносабатларини соддалаштириш ва самарадорлигини оширишда интерфаол хизматлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш, корхона ва ташкилотларнинг бюджет билан ўзаро ҳисоб-китоби тўғрисида маълумотлар олиш каби жараёнларда интерфаол хизматларни кенг жорий этиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятимизда электрон рақамли имзо олган ва ҳозир солиқ ва молиявий ҳисоботларини электрон шаклда топшираётган ҳамда интерфаол хизматлардан фойдаланаётган корхона ва ташкилотлар 2011 йил 1 май ҳолатига 7429 та, жўнатилган ҳисоботлар эса 34223 та эканлиги амалга оширилаётган ишларнинг ижобий самарасидир.

Солиқ ва молиявий ҳисоботларни тўғри топшириш, бухгалтерия ҳисобини оқилона ва аниқ юритишда солиқ тўловчиларга мамлакатимиз қонунчилигига тўла мослаштирилган "БЭМ – Бухгалтерга электрон мадад" миллий дастури энг яқин ва ишончли кўмакчига айланган. Ушбу дастур Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-коммуникация технологияларини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан маъқулланиб, унинг техник имкониятлари юқори баҳоланди. Энг асосийси, БЭМ автомат тарзда шакллантирилган ҳисоботларни солиқ идораларига электрон шаклда тўғридан-тўғри жўнатиш имкониятини беради.

Санжар ҚУРБОНМУРОДОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси бош мутахассиси.

20 йил

Бўка:

ТУПРОҒИДА ЗАР УНГАН ЗАМИН

3. Ер асл эгасининг қўлида

Туман асосан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари билан вилоятда кўзга кўринган. Унинг умумий ҳудуди 62 минг 237 гектар бўлиб, асосий қисми – 45 минг 398 гектаридан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Туман умумий ер майдонининг ярмидан зиёди суғориладиган ер бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай табиий шароит мавжудлигини англатади. Ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича шартномалар ортиғи билан бажариб келинаётгани шундан далолат беради.

Ўтган 2010 йилда туман меҳнаткашлари 108,5 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришди. Бу аввалги йилга нисбатан 5,5 фоиз кўпдир.

2011 йилнинг биринчи чорагида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари ҳажми 13,1 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоиз ўсишга эришилди.

Туманда 512 та фермер хўжаликлари мавжуд. Улар давлатга пахта хом ашёси сотиш шартномасига мувофиқ 38 минг 476 тонна ҳосил топшириб, режани 103,7 фоиз бажаришди.

Ўтган йили туманда 15 минг 130 гектар далага ғалла экилди. Фермерлар "Тошкентдонмаҳсулотлари" корхонаси билан давлатга дон сотиш бўйича тузган контрактация шартномаларини ортиғи билан бажариб, умумий ғалла хирмонига 33 минг 570 тонналик улуш қўшишди.

Юртимиз енгил саноати экспорти учун мужмерлик ҳаракати бошланган даврдаёқ унинг моҳиятини тўғри англаб, шу ишга бош қўшдим. Ростини айтсам, "аёл боши билан нима қила оларди", деганлар ҳам бўлди. Аммо ишни эплаб кетганимиздан сўнг бундай гаплар ўз-ўзидан барҳам топди. Қарамоғимда 67 гектар ерим бор. Шундан 34 гектарида пахта, 33 гектарида ғалла етиштирамиз. Аслини олганда, меҳнат ўз йўлига. Аммо деҳқончиликда ҳам тадбирли бўлиш керак, деб ҳисоблайман. Ер ва экиннинг тилини тушунмаган, табиатнинг раъйини англамаган одам доим ютқазиб келганига гувоҳ бўлганман. Шу сабабдан хўжалигимизда агроном шунчаки раҳбар эмас, балки менинг энг яқин ёрдамчим сифатида ўзини кўрсатишини талаб қиламан.

Фермер ҳақ. Ишнинг кўзини билмаган мутахассис кутилган натижага, олдига қўйган мақсадларига эриша олмайди. Бўка тумани фермерларининг деярли барчасини ишнинг кўзини билувчи ҳақиқий ер эгалари дейишимизга тўла асос бор. Акс ҳолда, туман пахта, пилла ва ғалла етиштириш бўйича вилоятда донг таратмаган бўларди.

СУРАТЛАРДА: "Азизова Шоҳида" фермер хўжалигида иш қизғин.

БОЛАЛАР СПОРТИ

МАҲАЛЛА МУСОБАҚАЛАРИДАН ХАЛҚАРО БИРИНЧИЛИКЛАРГАЧА

Олмалиқ шаҳрида болалар спортини ривожлантириш учун қулай шароит ва имкониятлар яратиб берилаётгани боис асосий спорт турлари кенг оммалашмоқда.

Аввало, мактабларда спорт майдончалари мукаммал жиҳозланган. Уларнинг 21 тасидаги спорт залларида машғулот ёзин-қишин бирдек давом этади. Қолаверса, маҳалла ва даҳаларда 128 та майдончалар барпо этилган.

Лекин шарт-шароит қанчалик мукаммал бўлмасин, ташкилотчилик суст бўлса, ғайрат-шижоатли етакчилар, ўз ишига иштиёқманд, аниқ мақсадли мураббийлар бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш қийин. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси, умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими муассасалари, кенг жамоатчилик кўмагига таянилмаса, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни уддалаши мушкул.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг натижалари салмоқли. Бирор кун йўқки, спортнинг у ёки бу тури бўйича мусобақа ёки шаҳар биринчилиги ўтказилмасин. Маҳалла, кўча, ҳатто, кўп қаватли уйларнинг футбол жамоалари ўртасидаги мусобақалар тобора оммалашиб бораяпти. Спартакиадаларда эса ёш баскетболчи, волейболчи, олисяқин масофаларга югурувчилар, сакровчилар, шахматшашкачиларнинг мусобақаларига минглаб томошабинлар тўпланишади.

Олмалиқ биринчилиги учун очиқ мусобақалар одат тусига кирган. Турон кураши бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақага Пискент, Оҳангарон, Ўртачирчиқ туманлари ҳамда Ангрен шаҳри ёш спортчилари ҳам келишди. Беллашувлар икки кун давом этди. Ўз вазн тоифасида Оҳангарон шаҳри вакили Бахтиёр Каримов шоҳсупадаги биринчи ўринга кўтарилди. Бироқ, барибир Олмалиқ болалари устун чиқишди. Ёш турончилардан ака-ука Шаҳбоз, Саидаҳрор, Шоҳжаҳон Абдураимов ҳамда Пўлат Сафаров ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгаллашди. Умумжамоа ҳисобида Оҳангарон шаҳри иккинчи, Ўртачирчиқ тумани учинчи ўринларни эгаллади.

Бугун 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари эришаётган ютуқлар кўпчиликни қувонтиряпти. Кейинги йилларда бино тубдан таъмирланиб, жаҳон андозаларига монанд сув ҳавзаси барпо этилди. Машғулотлар беш спорт тури бўйича олиб борилмоқда. Сувга сакраш, сузиш, стол тенниси, бадиий гимнастика ёшларнинг энг севимли машғулотларига айланаяпти. 17 мураббий 519 тарбияланувчи тинмай изланмоқда. Натижалар ҳам кўзга яққол ташланяпти.

Чунончи, теннис бўйича шаҳар биринчилигида жамоа биринчи ўринни эгаллади. Ёш теннисчилардан Р. Амзаев билан Ж. Абдураззоқов биринчи, С. Жонсаидов билан И. Тошбоев иккинчи ўринларни эгаллашди. Уч авлод учрашуви чоғида бадиий гимнастика бўйича Ш. Абдусодиқовага ҳеч ким тенг кела олмади. Эркин курашчиларнинг шаҳар очиқ биринчилигида ҳам шу жамоадан энг кўп вакил ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. "Миллий армиямиз – тинчлик ва осойишталик кафолати" шиори остидаги мусобақада 5 ёш сузувчи маррага биринчи бўлиб етди. Умуман, 16 тарбияланувчи совринли ўринларни эгаллади. Турон кураши бўйича Олмалиқ шаҳар ҳокими кубоги учун мусобақаларда ҳам ўз вазн тоифаларида шу мактабнинг 5 тарбияланувчиси биринчи, 6 вакили иккинчи ўринларни қўлга киритди.

3-спорт мактаби мамлакат чемпионатлари ва Осиё мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашаяпти. Чунончи, Анастасия Хоменкова ўтган йили Минск шаҳрида сувга сакраш бўйича халқаро мусобақада учинчи ва Малайзиянинг Серимбан шаҳрида ўтган мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Спортнинг бу тури бўйича олмалиқлик ёш спортчилардан Мурод Саъдуллаев, Дарья Каширская, Артур Авхатшин, Ульяна Тень, Ангелина Шмидт, Дмитрий Карелин ва Эдуард Ланг Ўзбекистон ва халқаро чемпионатларда 25 марта совринли ўринларни эгаллашди. Стол тенниси, бадиий гимнастика, сузиш бўйича эришилган натижалар ҳам бундан қолишмайди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида болалар ва ўсмирларнинг маҳорати ва ютуқларини кенг оммалаштирмоқда. Маҳаллаларда ёш спортчиларнинг намуналари чиқишлари уюштириляпти. Уларни ташкил этишда Лариса Ви, Ольга Цой, Наталья Борисенкова, Қизилгул Зиёвиддинова сингари малакали мураббийлар алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатишаяпти.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 15.04.2011 йилдаги 10-114/2388-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 13/22-уйда жойлашган, умумий майдони 2127 кв.м. бўлган 4 қаватли ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 625 000 000 сўм. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 04.08.2010 йилдаги 19770-71/13-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й., Асаларичи кўчасида жойлашган, умумий майдони 1300 кв.м. 4 та яшаш хонасидан иборат бўлган яшаш учун мўлжалланган уй (ҳовли) биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 50 500 000 сўм. Яккасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги 1-511/2007-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 1-тор Ракатбоши кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 325,0 кв.м., умумий майдони 203,70 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 556 031 000 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан 02.05.2011 йилдаги 11989-01/17-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 10-даҳада жойлашган, умумий майдони 94,05 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонасидан иборат бўлган 16-уй, 92-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 65 000 000 сўм. Сирғали тумани СИБ томонидан 25.11.2010 йилдаги 29087-88/14-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Сирғали-7 мавзесида жойлашган умумий майдони 93,40 кв.м. бўлган, 4 та хонадан иборат 62-уй, 17-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 45 000 000 сўм. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 14.03.2011 йилдаги 3779/17-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хувайдо кўчасида жойлашган умумий фой. майдони 86,16 кв.м., яшаш май. 37,88 кв.м., ер майдони 387,0 кв.м.дан иборат бўлган 21-уй-жой (ҳовли) биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 200 000 000 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан 25.04.2011 йилдаги 11415/17-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчасида жойлашган умумий майдони 557,63 кв.м. 8 та яшаш хонасидан иборат бўлган 7-уй-жой (ҳовли) биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 681 377 376 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан 01.06.2010 йилдаги 16235/17-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мудофаачилар кўчасида жойлашган, умумий майдони 158,85 кв.м., 6 та яшаш хонасидан иборат бўлган 60-уй-жой (ҳовли) биноси қўйилмоқда, бош.нархи – 72 485 115 сўм. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 27.05.2010 йилдаги 1-153/10-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, М-2 кўчасида жойлашган 13-уй, 2-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 50 944 518 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 05.04.2010 йилдаги № 5311/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1983 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 Q 546 FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 400 000 сўм. 2. 05.04.2010 йилдаги № 5310/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1998 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 30 V 0661 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 339 440 сўм. 3. 18.03.2010 йилдаги № 4946/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2005 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 O 441 AA бўлган "Газ 31105" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 689 040 сўм. 5. 11.01.2011 йилдаги № 87/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1991 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 K 840 AA бўлган "ВАЗ 21061" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 453 897 сўм. 5. 18.04.2010 йилдаги № 5867/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1989 йилда и/чиқ,,, дав.-бел. 30 A 3258 бўлган "ЗАЗ" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 801 735 сўм. 6. 17.02.2010 йилдаги № 2439/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1987 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 T 931 AA бўлган "Мерседес Бенц 230" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 149 603 сўм. 7. 05.04.2010 йилдаги № 5312/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1983 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 C 2331 бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 466 003 сўм. 8. 05.04.2010 йилдаги № 5314/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2007 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 AW 977 бўлган "Ваз-2107" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 493 233 сўм. 9. 05.04.2010 йилдаги № 5313/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2009 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 B 016 DA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 626 275 сўм. 10. 05.04.2010 йилдаги № 5087/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2004 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 O 306 DA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 425 110 сўм. 11. 17.02.2010 йилдаги № 2440/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1992 йилда и/чиқ,,, дав.бел. X234 LXM бўлган "Митсубиши" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 621 434 сўм. 12. 10.02.2010 йилдаги № 2186/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/чиқ,, дав.бел. 01 K 706 CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 593 728 сўм. 13. 20.04.2010 йилдаги № 6122/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2009 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 Y 775 AA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 492 130 сўм. 14. 11.01.2011 йилдаги № 82/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2008 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 30 V 787 BA бўлган "Шевролет Оптра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 29 680 000 сўм. 15. 05.04.2010 йилдаги № 5315-18/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2004 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 R 549 AA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 800 000 сўм. 16. 05.04.2010 йилдаги № 5315-18/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1997 йилда и/чиқ,, дав.бел. 10 E 1618 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 345 030 сўм. 17. 05.04.2010 йилдаги № 5315-18/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2009 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 K 635 EA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 908 100 сўм. 18. 05.04.2010 йилдаги № 5315-18/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2007 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 30 Z 9955 бўлган "Ваз 2107" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 034 300 сўм.

Аукцион савдосига М. Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ИИББ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 26.10.2010 йилдаги № 537/10-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2009 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 01 C 310 BA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 001 927 сўм. 2. 25.01.2011 йилдаги № 2933/2-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1996 йилда и/чиқ,, дав.бел. 01 F 085 EA, бўлган "Мерседес Бенц 230" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 20 000 000 сўм. 3. 18.03.2010 йилдаги № 4946/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 2005 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 O 441 AA бўлган "Газ 31105" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 15 689 040 сўм. 5. 11.01.2011 йилдаги № 87/21-сон ижро ҳужжат. асосан,, 1991 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 10 K 840 AA бўлган "ВАЗ 21061" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 453 897 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 27.04.2011 йилдаги 10534-сон ижро ҳужжатига асосан,, Эркин жарима майдончасида сақланаётган, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 01 L370 CA бўлган "Нексия" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 12 066 000 сўм. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 07.09.2009 йилдаги 12291-сон ижро ҳужжатига асосан, СВОЖва ЖДЛКК Тошкент шаҳри бошқармасида сақланаётган 2001 йилда и/ч., дав.бел. 30 N 4897 бўлган "Тико" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 5 980 190 сўм. Яккасарой тумани СИБ томонидан 24.12.2010 йилдаги 10-1021/19093-сон ижро ҳужжатига асосан,, "Марказий геоло-физика экспедициясида" сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 01 557 [illegible] AA бўлган "Уаз 3163-337" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 56 243 000 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан 23.04.2010 йилдаги 12049-50/10-сон ижро ҳужжатига асосан,, "Лабзак строй" қурилиш майдонида сақланаётган 2007 йилда и/ч., дав-.бел. 10 BE 728 бўлган "HUAJUNZCZ5257GJBH" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 121 246 804 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 14 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 4 август куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 23 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Бўстонлиқ тумани Исфара ЙПХ маскани жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Жиноят ишлари буйича Бўстонлиқ тумани суди биносида сақланаётган 08.06.2009 йилдаги №1718-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ,,, дав.бел. X 530 AFN бўлган "Опел Вектра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 559 308 сўм. Бустонлиқ тумани СИБ томонидан 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қоронқўл қишлоғининг юқори қисмида жойлашган, умумий ер майдони 1533 кв.м., қурилиш май.123 кв., ҳовли 50 кв.м, боғ 1360 кв.м. бўлган дала ҳовли мажмуа ҳолда қўйилмоқда, бош. нархи – 18 891 635 сўм. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 19.04.2010 йилдаги 2-037-10-сон ижро варақасига асосан,, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғида жойлашган, ум. ер майдони 2058 кв.м., қурилиш жой участкаси 393 кв.м. ҳовли 100 кв.м. боғ 1565 кв.м.дан иборат бўлган дала ҳовли мажмуа ҳолда қўйилмоқда, бош. нархи – 151 394 482 сўм. Тошкент шаҳри ҳудудий СИБ томонидан 1. 06.03.2006 йилдаги № 421/2-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, "Мичурин" дала ҳовличилар ҳудудида жойлашган 67-сонли дала ҳовли қўйилмоқда, бош. нархи – 266 533 709 сўм., 2. 06.03.2006 йилдаги № 1167/2-сон ижро варақасига асосан, 1994 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. М 44-28, бўлган "Хундай Саната" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 8 840 521 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.11.2010 йилдаги № 14905/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 2733, бўлган "Ваз 21099" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 628 000 сўм. 2. 11.01.2011 йилдаги № 16024/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 I 74-58, бўлган "ЗАЗ 968" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 290 000 сўм. 3. 11.01.2011 йилдаги № 84/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2000 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 M 3127 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 267 500 сўм. 4.11.01.2011 йилдаги № 87/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ., дав.бел. E4740И90 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 38 000 000 сўм. 5. 09.11.2010 йилдаги № 14150/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2008 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 BG 453, бўлган "Лада 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 915 000 сўм. 6. 08.07.2010 йилдаги № 12057/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 F 3897, бўлган "Газ-2410 " русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 420 000 сўм. 7. 05.10.2010 йилдаги № 11742/1-сон ижро ҳужжат. асосан, 1987 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 B 0252 бўлган "Ваз 21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 169 000 сўм. 8. 04.11.2010 йилдаги № 13812/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 01 W 622 BA бўлган "Ваз-2108" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 837 000 сўм. 9. 1992 йилда и/ч дав.бел. BE 179850 бўлган "Полу прицеп" русумли ярим тиркама воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 20 360 400 сўм. 10. 14.01.2011 йилдаги № 429/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 I 58-95 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 522 000 сўм. 11. 06.04.2010 йилдаги № 3660/24-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 32-93 бўлган "Газ 2417" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 877 000 сўм. 12. 30.12.2006 йилдаги № 13738/4-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 55-99 ЕР бўлган "МОАЗ-546-П" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 474 000 сўм. 13. 23.10.2009 йилдаги № 10658/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 T 99-17 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 656 000 сўм. 14. 08.06.2009 йилдаги № 6573/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 19 A 722 бўлган "Алкан-13" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 710 000 сўм. 15. 08.09.2009 йилдаги № 10880/11-сон ижро ҳужжат. асосан, 1982 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 30 B 1963 бўлган "Маз 35334" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 34 745 000 сўм. 16. 27.04.2009 йилдаги № 4924/14-сон ижро ҳужжат. асосан, 12-номдаги терини кайта ишловчи ускуналар, бош. нархи – 1 710 000 сўм. 17. 04.11.2010 йилдаги № 435/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 30 K 17-39 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 127 000 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 23.11.2010 йилдаги № 33062-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчаси, 3-уй Автомажмуа ҳудуди 1/1 қаторда жойлашган майдони 18 кв.м.дан иборат М.М.Хашимовга тегишли бўлган 19-сон тижорат дўкони қўйилмоқда, бошланғич нархи – 42 200 000 сўм.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1	Шайхонтоҳур тумани СИБ	ГАЗ-31029	1992	30 V 7721	1 812 671	"Жарариқ" жар.майд.	18.02.2011 й. № 3190/6
2		Ваз -111930-110-20	2007	30 A 2571	14 684 313	Тошкент шаҳри ИИБга қарашли "Автотўхтов сервис" жарима майд.	18.02.2011 й. № 3190/6
3		Мерседес бенц	2000	01 Y 531 CA	37 620 000		18.02.2011 й. № 3190/6
4		Тойота камри	2007	30 X 9162	56 430 000		18.02.2011 й. № 3190/6
5		Каптива RLG26	2009	60 P 058 AA	49 500 000		18.02.2011 й. № 3190/6
6		Каптива	2009	01G 177 CA	51 480 000		18.02.2011 й. № 3190/6
7		ФОРД	1988	10 K 042 BA	11 213 132	"Шайхонтоҳур инвест" жар. майд.	06.01.2011 й. № 470/6

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 20.10.2010 йилдаги 630/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Луначарское шоссеси кўчасида жойлашган 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 103-уй, 112-хонадон (уй-жой) қўйилмоқда, бош.нархи – 80 456 400 сўм. Сирғали тумани СИБ томонидан 07.12.2010 йилдаги № 10-1007/12868-сон ижро варақасига асосан, ХК "Давр Гранд Бизнес" корхонасида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 10 AP 032 бўлган "Лада 21703-114-01" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 14 887 000 сўм.

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 06.07.2009 йилдаги №11905-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 J 6618 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 301 806 сўм 2. 09.11.2009 йилдаги №18213-17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 S 5484 бўлган "БМВ-5231" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 294 391 сўм. 3. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/чиқ,,, дав.бел. 30 R 5592 бўлган "Митсубиси" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 29 072 518 сўм. 4. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. M 7477 бўлган "Мерседес Бенц С 500" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 23 568 429 сўм. 5. 15. 02.02.2009 йилдаги № 2809-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 S 1940 бўлган "Хонда Цивик" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 895 827 сўм. 6. 01.02.2010 йилдаги № 2307-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 T 1686 бўлган "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 838 001 сўм. 7. 05.03.2010 йилдаги №4680-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 A 7293 бўлган "Daimler Chrysler" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 963 500 сўм. 8. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 Z 3081 бўлган "БМВ-318" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 604 983 сўм. 9. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ., дав.бел. X829SPM бўлган "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 074 285 сўм. 10. 06.07.2009 йилдаги №11906-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 T 9611 бўлган "Ауди А6" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 19 683 000 сўм. 11. 06.07.2009 йилдаги № 11906-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 B 0466 бўлган "Ауди" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 477 000 сўм. 12. 09.11.2009 йилдаги №18214/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 L 8448 бўлган "Мерседес Бенс 290" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 28 317 492 сўм. 13. 24.11.2009 йилдаги №20737/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 2001 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 U 1342 бўлган "Мерседес Бенс S 320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 40 553 122 сўм. 14. 07.05.2009 йилдаги № 7731/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1994 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Z 6479 бўлган "БМВ 316" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 13 345 002 сўм. 15.05.10.2009 йилдаги № 16788/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 P 4257 бўлган "Форд Скорпио" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 784 267 сўм. 16.17.05.2009 йилдаги № 13185/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Y 1306 бўлган "Газ 2401" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 908 131 сўм. 17. 14.06.2010 йилдаги № 18731-сон ижро ҳужжат. асосан, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. KGBH бўлган "SKODA OKTAVIA " русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 570 953 сўм. 18. 14.06.2010 йилдаги № 18796-сон ижро ҳужжат. асосан, 1991 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 X 1751 бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 229 830 сўм. 19. 01.03.2010 йилдаги № 5240-сон ижро ҳужжат. асосан, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, дав.бел. 23 M 2888 бўлган "Такума " русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 356 000 сўм. 20. 14.06.2010 йилдаги № 18796-сон ижро ҳужжат. асосан, 2004 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 W 4060 бўлган "Wolkswagen Beetle" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 416 645 сўм

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

20 йил

Бўка:

ТУПРОҒИДА ЗАР УНГАН ЗАМИН

4. Томчида жилоланган қуёш акси

– Халқимиз – энг катта бойлигимиз, халқ саломатлиги учун ғамхўрлик кўрсатиш эса энг долзарб вазифамиздир, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари Ашур Каримов. – Томчида қуёш акс этади деганларидек, Бўка туманида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар жараёнини кузатиб, юртимизда тиббиёт қай даражада ривожланганига аниқ баҳо берса бўлади. "Саломатлик – 2" лойиҳаси доирасида туманимиз соғлиқни сақлаш тизимининг деярли барча бўғинларидаги тиббиёт муассасалари замонавий ускуналар билан жиҳозланди. 15 та қишлоқ врачлик пунктларида авваллари фақат туман марказий шифохонасида топиладиган замонавий стерилизатор, автоклав, қуритиш шкафлари, қондаги шакар миқдорини ўлчагичлар, эхокардиограмма қурилмалари ҳам энди беморлар хизматида. ҚВПлар бемалол эмлаш, стоматологик ва лаборатория хизматлари кўрсатиш имкониятига эга. Уларни жиҳозлаш учун "Саломатлик – 2" дастури асосида 369 миллион 914 минг сўмлик тиббий ускуналар ўрнатилди. Туман марказида эса 26 ўринли шошилинч тиббий ёрдам маркази фаолият кўрсатмоқда. Энг асосийси, туман кўп тармоқли поликлиникаси ва марказий шифохона деярли барча турдаги касалларни даволаб, меҳнатга қайтариш имкониятига эга. 300 дан зиёд ўринли марказий шифохонадаги болалар касалликлари, терапия, туғуруқхона, юқумли касалликлар ва режали жарроҳлик бўлимлари ҳам тиббий техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида шифокорлар малакасини ошириш-га ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган ойнинг ўзида 25 шифокор, 145 ўрта тиббиёт ходими тегишли марказларда малака ошириб қайтди. Шифокорлардан, акушер-гинеколог Азиза Эсенбоева, неонатолог Малика Абдуҳамидова, туғуруқ бўлими бошлиғи Марҳабо Абдулазизова, педиатр Матлуба Саидраҳимова, реаниматология бўлими бошлиғи Саттор Илҳомов ва терапия бўлими бошлиғи Рустам Тўхтабоев, инфекционист Авлаёр Тулаевни туман аҳли қўли енгил, ҳам билими, ҳам ширин сўзи билан беморлар дардига дармон бўлаётган шифокорлар сифатида чуқур ҳурмат қилади...

Спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳам айтишга арзигулик. Агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида спорт билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар туфайли 4 ўқувчи чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишга муваффақ бўлди. Хусусан, Даврон Мажидов эркин кураш бўйича 71 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпиони, Юлдуз Тожиқулова таэквон-до бўйича, Азиз Ҳамроқулов ўзбек жанг санъати бўйича вилоят ғолиби бўлишди. Илёс Йўлдошев эса миллий кураш бўйича вилоят чемпионатида коллеж шарафини ҳимоя қилиб, 2-ўринга сазовор бўлди.

Туманда спортни ривожлантиришда халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўрни бўлакча. Бу ерда 57 мураббий спортнинг 7 тури – футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш, лейбол бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биринчилиги ўтказилди.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг миллий кураш бўйича Бекобод шаҳрида ўтказилган ҳудудий босқичида мактаб ўқувчилари 38 ва 54 килограмм вазнларда 1-ўринни, 60 килограммдан юқори вазнларда 3-ўринни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олишди. Шахмат бўйича ўтказилган турнирда эса умумжамоа ҳисобида 1-ўринни олиб, вилоят босқичига чиқишди. Яқинда эса Ангрен шаҳрида ўтказилган бокс бўйича мусобақада мактабнинг бир ўқувчиси 54 килограмм вазнда ғолиб чиқиб, республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Туманда 33 та спорт зали, 177 та спорт майдончаси, 21 та футбол, 54 та волейбол майдончаси бор. Мавжуд имконият ва ғамхўрликларга мактаб ўқувчилари турли спорт мусобақаларидаги ютуқлари билан муносиб жавоб беришмоқда. Хусусан, 2-мактабнинг баскетболчи қизлар жамоаси "Умид ниҳоллари"нинг вилоят босқичида 3-ўринни, 14-, 50- ва 19-мактаб курашчилари туман терма жамоаси таркибида 3-ўринни эгаллашди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида Бўка тумани барча соҳаларда тўла янгиланиш жараёнини бошидан кечирди. Пировардида халқ ҳаёти фаровонлашиб, эртанги кунга, буюк келажакка ишонч мустаҳкамланаётир. Ишонч бўлган жойда эса мақсадга эришиш осон кечади...

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, Собир ЗУФАРОВ (суратлар), "Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: туман марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири Илҳом Сатторов, даволовчи шифокорлар Ҳасан Холбоев ва Абдураҳим Болтабоев, фельдшер Илёс Эгамов беморга муолажа белгилашмоқда; бўкалик бўлажак спорт юлдузлари.

ИШ ИЗЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Миллий матбуот марказида ўтказилган тадбир лицей ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига бағишланди.

Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ходимлари ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази вакиллари, турли корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларнинг иш топишларига кўмаклашиш, шу билан бирга малакали кадрларни етказиб беришдир. Таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш учун мониторинг юритиш ва назорат қилиш чоралари кўрилаётгани таъкидланди.

Ўтган йилда "Микрокредитбанк" касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 3 миллиард 118,2 миллион сўм микрокредит ажратди. Бундан ташқари, жойлардаги корхона ва ташкилотларнинг кадрларга эҳтиёжи ўрганилиб, шу соҳа мутахассислиги бўйича қўшимча дарслар жорий этилди. Шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида "устоз-шогирд" анъаналари йўлга қўйилди. Бу эса келажакда етук мутахассислар тайёрлаш учун муҳим пойдевор ҳисобланади. Қолаверса, бўш иш ўринлари бўйича ўтказилган ярмаркаларда 166,3 минг битирувчи қатнашиб, 75,8 минг нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

– 2010-2011-ўқув йили битирувчиларининг 98,2 фоизини иш билан таъминлашни режалаштирямиз, – деди Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим маркази директорининг ўринбосари Зайниддин Худойбердиев. – Негаки, ёшлар келажагимиз, уларни ҳар томонлама етук бўлиб камол топишларини таъминлаш бизнинг бурчимиздир.

Азамат АҲМЕДОВ.

ЎЗИМ, ФАРЗАНДЛАРИМ, АТРОФДАГИЛАР УЧУН...

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Тажрибалар шуни кўрсатадики, юқумли ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқиши ва тарқалиши ижтимоий ҳаёт, яъни аҳолининг турмуш даражаси, маданияти, атроф-муҳит ва ичимлик сувининг тозалиги билан бевосита боғлиқ.

Сальмонеллёз, ичбуруғ, колиинфекциялар, ичтерлама, паратифлар, озиқ-овқат токсикоинфекциялари каби юқумли касалликларни маълум бир турдаги бактериялар ёки вируслар келтириб чиқаради. Улар киши организмига тушганидан сўнг ошқозон-ичак йўлида кўпайиб, деворларини яллиғлантиради, ўзларидан чиқарган токсин қонга сўрилади, натижада бутун тана заҳарланади.

Касаллик соғлом кишига асосан микроблар, ифлосланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларидан юқади. Тез-тез ич кетиши, қусиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, қоринни бураб оғриши ва дам бўлиши, лоҳаслик, дармонсизлик, кўнгил айниши, иштаҳа йўқолиши, чанқоқлик ва оғиз қуриши касалликнинг бошланишини билдиради. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик ҳам касалликни келтириб чиқаради.

Шунинг учун овқатдан олдин қўлларни совунлаб ювиш, тирноқларни ўз вақтида олиб юриш, баданнинг тозалиги каби кўникмалар одатга айланиши керак. Ёзда болалар оромгоҳларда, табиат қўйнида дам олишни, сув ҳавзаларида чўмилишни ёқтиришади. Бундай вақтда чўмилиш қонун-қоидаларига риоя қилиш лозим.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, битта пашшанинг ичагида 28 миллион, оёқлари ва қанотларида 6 миллионга яқин ҳар хил касаллик қўзғатувчи микроблар бўлиб, уларни 1,5 километр масофагача тарқата олади. Шу сабаб жамоат жойлари, кўча, ҳовли ва ҳар бир хонадонда тозаликка қатъий амал қилиш керак.

Ҳар бир фуқаро экологик маданият ва санитария-гигиена меъёрларига одатланса, турли касалликлардан ойиласи ва атрофдагиларни асраган бўлади.

Фарида КОМИЛОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят филиали бўлим мудири.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2010 йилда 2/12-гуруҳ талабаси Бўриев Жавоҳир Хайитбой ўғли номига берилган № 256 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"RAJOBBOY-NURLI" МЧЖни номига С. Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан берилган "Далолатнома" йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 5 мартда 003103-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ALEGRIA" (ИНН 301304205, ОКОНХ 71150) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 114 601 000 (бир юз ўн тўрт миллион олти юз бир минг) сўмдан 12 000 000 (ўн икки миллион) сўмга камайганлигини эълон қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 09.06.2010 йилда № 001734-01 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган (ИНН 202606392) "JAMOLXON" масъулияти чекланган жамиятининг номи "MA`MURJON DAVOM-CHILARI"га ўзгаришини маълум қилади.

СП ООО "SUNJIN-TVT EXPRESS" (ИНН 207033945) Кибрайского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 1470991,3 долларов США до 1029693,9 долларов США.

Претензии принимаются в течение одного месяца с момента опубликования данного объявления по тел.: 279-39-29.

ООО "Miltonia Pharma", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Шайхантахурского района 06.07.2010г. № R-002858-09 сообщает об уменьшении уставного фонда с зарегистрированного размера 132.000.000 сум до 100.000.000 сум.

ООО "NIR FALCON SERVICE", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар Г-9-А квартал, дом 4-А (ИНН 300733449, ОКПО 22322879), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 12 от 01.06.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 770-59-00.

Утерянный аттестат O`R-SH № 0599196 (рег. № 4596), выданный 19 июня 2007 году средней школой № 1 г. Сырдарья на имя Алиеву Искандеру Мухтаровичу, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный план квартиры и гос. ордер № 05-02/4 от 23.11.92г. права собственности на квартиру Юлдашева Рустама Латифовича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

ХИСЛАТЛАР ВА ИЛЛАТЛАР

ПОКЛИК

Ғаф кимдаки виждон эғуф пок,
Унинг юзи иккки дунё оқ.

ҲАҚГЎЙЛИК

Ёлғонни сўзламоқ – мунофиқ иши,
Мисоли қилиғидир, ҳақни дер киши.

ХУШОМАДГЎЙЛИК

У гўёки шаробга ғўлшар,
Ёқимли-ю, аслида – заҳар.

МАРДЛИК

Борни йўқ демоқдан тийилмас номард,
Йўқни бор этса ҳам, мақтанмайди мард.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

ҚАЛЛОБЛИК

ФИРИБГАРЛИКДАН САБОҚ БЕРИШАДИМИ?

Фарзандларимизнинг билимдон, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Муҳташам коллеж, лицей, мактаб бинолари қурилиб, дарсликлардан тортиб компьютерларгача, ўқув қуроллари билан тўлиқ жиҳозланди. Болаларга таълим бераётган педагоглар малака ошириш институтларида касб маҳоратларини чархлаш имкониятидан унумли фойдаланишмоқда. Аксарият таълим муассасаларида тажрибали, жонкуяр ўқитувчилар болаларга юқори савияда таълим-тарбия беришяпти.

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмагани каби айрим таълим муассасаларининг ўқитувчилари ўқувчиларнинг узрли сабабларсиз дарс қолдиришлари билан муросасозлик қилишяпти, билимлари юзаки бўлиб қолишига бефарқ қарашяпти. Бундан ачинарлиси, коллеж маъмуриятлари, кадрлар бўлимлари ходимларининг хизмат бурчларини лозим даражада адо этмаганлари туфайли чаламулла ўқитувчилар дарс ўтишларига йўл қўйилмоқда.

Туман прокуратураси "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари ижросини ўрганиб, таҳлил қилганида юқоридагидек камчилик ва нуқсонлар, жиддий қонунбузилиш ҳоллари юзага чиқди.

Олтиариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўқувчиларга дарс ўтаётган 55 ўқитувчининг 8 нафари соҳалари бўйича олий маълумотга эга эмас, дарс ўтишлари талабга жавоб бермайди. Ўқувчилар машғулотларга тўлиқ қатнашмаслиги ва давомат пастлигининг сабабларидан бири ҳам дарслар хўжакўрсинга ўтилаётганидир. Коллеж маъмурияти ва ўқитувчиларнинг масъулиятсизлиги, ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ келмасликлари сабабини суриштириб бормаганлари натижасида давомат пасайиши одат тусига кирган. Чунончи, мониторинг ўтказилган ўнта гуруҳда давомат 62-87 фоиз бўлиб, айниқса, О. Аширматов, И. Тўланов раҳбарлигидаги 2- ва 11-гуруҳларда давомат ўта паст, 13-14 ўқувчи дарсларга қатнашмади.

Ўқитувчиларнинг касб малакалари ўрганилганида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Олтиариқ тумани автомобиль йўллари коллежида юксак дид ва орасталик, ақл-фаросат ва руҳий камолотга эришишдан "сабоқ" бериб келган эстетика ва руҳшунослик фани ўқитувчиси Г. Қурбонованинг ички дунёси покиза эмаслиги аён бўлиб қолди. Ишга кирганидан сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини битиргани тўғрисидаги дипломни келтириб берган. Аммо, университет маъмурияти маълум қилганидек, Г. Қурбонова олий таълим муассасасида ўқимаган, унга диплом берилмаган. Ушбу коллежда махсус фан ўқитувчиси лавозимида ишлаб келган М. Шерматованинг Тошкент молия институтини, инглиз тилидан дарс ўтган О. Мадбобоеванинг Тошкент Давлат университетини битирганлиги тўғрисидаги дипломлари ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Юқоридаги ҳолатлар бўйича учта жиноят иши кўзғатилди.

Савол туғилади: бу каби муаллимлар фарзандларимизга қандай ибрат бўлишади, нимадан сабоқ беришади?

Илгари ҳам вилоятдаги бошқа таълим муассасаларида қаллоблардан пулга диплом сотиб олиб, ишга жойлашишга муваффақ бўлган чаласавод муаллимлар фош этилганди. Мактаб ёки коллежларнинг маъмуриятлари бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари, ишга қабул қилиш чоғида ҳужжатларни синчиклаб ўрганишга одатланишлари лозим. Ишга олинаётган ўқитувчи таҳлим этган дипломнинг ҳақиқийлигини аниқлаш мушкул иш эмас, олий таълим муассасасига сўровнома юбориб, жавоб олишнинг ўзи кифоя.

Х. ТУРҒУНБОЕВ, Фарғона вилояти Олтиариқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 12320. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 1234